

Абдулкарим Барот ўгли Махмур Коризий 1820 йил Жиззахга карашли Кориз кишлогида камбагал дехкон оиласида дунёга келди. У 16 ёшларида Фаргона водийсининг марказий шаҳарларидан бирига тахсилни давом эттириш учун боради. Бир шеърида эса йигирма беш ёшларида яна Жиззах воҳасига қайтиб келганини қайд этади. Шоир 1876 йил 56 ёшида вафот этган.

Махмур Коризийнинг ягона кўлёма девони мавжуд бўлиб, унда шоирнинг газал, соқийнома, устозларига боғланган мухаммаслари, шеърий хатлари жой олган.

## ГАЗАЛЛАР

\* \* \*

Паришон хотиримга бир ширин махваш хаёли бас,  
Вале бу гам тунни хамдам бўлурга хатту холи бас.

Не деб ман лолаю гулни тамошасини айларман,  
Бокиб юз кўз билан кўрмоққа ул жонон жамоли бас.

Жаҳонда хар киши ўз матлабига бўлса гар восил,  
Чекиб кўп ранжу меҳнат борсаму кўрсам висоли бас.

Кўринса мохи нав олам эли бокиб дуо айлар,  
Кадимни хам килиб килсам дуо икки хилоли бас.

Хама эл сарв ила шамшод васфин айлаюр иншо,  
Манга ёзмокка умримча анинг кадди ниҳоли бас.

Муяссар айласа ётсам анинг кўйида боримча,  
Тирикликдин насибам бўлса шунча моху соле бас.

Жаҳонни лаззатига майлсиз бўлсам ажаб эрмас,  
Килурга тўтии жон тўъмаи лаълида боли бас.

Коронгу дахр ичинда топсалар хар кимса бир Хизре,  
Манга ул Мавлавийдек содику сохиб камоле бас.

Бу Махмурни халок бўлди, деманг мухлик хумор ичра,  
Мунга хайвон суви янглиг майи ширин зилоли бас.

\* \* \*

Мени хастани мунча дог эттилар,  
Вужудимни ёнгон чарор эттилар.

Фирок эмгакидин этиб кўп забун,  
Кўзим ёшин икки булог эттилар.

Кўнгулга солиб ишк ўтин дам-бадам,  
Мухаббат ўтига ўчоғ эттилар.

Жунун даштида марди бадмаст этиб,  
Гахи телбаваш, гах сог эттилар.

Нечун чекмайин дилраболар гамин,  
Ракиблар билан сайри бог эттилар.

Чунон сайд этиб жон кушини биров  
Таним куввати зоғу калог эттилар.

Этиб жилва соғарчи хам жоми май,  
Гирифтори олтун аёк эттилар.

Чунон ўртаб андоқки ишкинг ўти,  
Кулимдин нишон йўк сўроғ эттилар.

Маломат ўкига нишон айлабон,  
Ситам ханжарига садоғ эттилар.

Мани тешаи дасти Кўхкандек этиб,  
Фирок ичра жойимни тоғ эттилар.

Неча Лайливаш дилраболар келиб,  
Жунун хайлидин деб саног эттилар.

Сен, эй сокий, бир лутфе кўргузмасанг,  
Бу Махмурни хажр ичра доғ эттилар,

\* \* \*

Бир кун тун ўртасида учради бир махлико ёлғуз,  
Дучор ўлди магар зулматда Хизри рахнамо ёлғуз.

Губори дилни ёзмокликка бир мархам тилар эрдим,  
Анинг чун келдим, олдимга билмам ошно ёлғуз.

Халойик кадр айтур эрди хар йилда бир тунни,  
Ушал айтган тун шул тунми келди дилрабо ёлғуз.

Муяссар бўлса хар соат кадам тупроғини тотсам,  
Килиб ўтсам кўзимга сурма доим тўтиё ёлғуз.

Дили сад пора бўлган, багри куйган мубталодурман,  
Мани огритмагин невчунки синган (сахё) ёлгуз.

Чекиб кўп ранжу меҳнат васли боги ичра кирган кўп,  
Дегайму дўстлар ишкида куйган мархабо ёлгуз.

Бу куйган жоними хижрон балоси кўп забун этдн,  
На бўлгай олсангиз илгимни, э ахли пано, ёлгуз.

Бу Махмурга жунун орзу бўлубдир деб гумон этманг,  
Мунга тун ўртасинда учрамиш бир махлико ёягуз.

\* \* \*

Сенинг ишкинда, эй дилбар, юрак-багрим тўла конмен  
Очилмай гунчаваш хам андалибдек кони афгон мен.

Нишоним бенишон бўлди куюб ахгар бўлиб колди,  
Жунун даштида бир мухлик куюн янглиг паришон мен.

Вужудим пойбўси махжабинларнинг аросида  
Тушиб хоки мазаллатга бошим хам гуйи чавгонмен.

Бу умрим нақдини олди бирон йўл кайрилиб бокмай,  
Иложим топмайин ойинадек хар ерда хайронмен.

Сабо еткур паёмимни, халокат вактига еттим,  
Ки шояд ёдига тушсам нечун ишкида ўлгонмен...

Мени ишк ичра андог бир пари Мажнунчарок этди,  
Анинг куйида колдим беҳабар хори маугайлонмен.

Жигар-багрим эзилди дилраболар сухбатин истаб,  
Тушиб айру хамадин толиби бир шаккаристонмен.

Биёбони жудоликда колиб ёлгиз, куловузсиз,  
Тополмай махрами дил телбалардек турфа сарсонмен.

Бу Махмур айтса кўп афсоналар айб айламанг нечун,  
Мухаббат гулшанида сайраюб юрган газалхон мен.

\* \* \*

Тириклик ичра бўлгайму ўшал зебони бир кўрмок,  
Кўринмай кўнглими олгон гули раънони бир кўрмок.

Неча ою неча кунлар чекиб хижрон балосини,  
Муяссар этса бўлгайму ўшал барнони бир кўрмок.

Манга шулдур хавас кўрсам, юзунгни, эй пари пайкар,  
Хамага орзу ул жаннатул маъвони бир кўрмок.

Дамодам, юз йўла, хар кўз очанда кўрмок истарман,  
Санга жоно, керакса ошики шайдони бир кўрмок.

Келиб, сийнамни чок айлаб, кўринглар дарду догимни,  
На хожат сизга, эй халк, Вомику Узрони бир кўрмок.

Бугун гам даштида багрим эриб хунобалар юттим,  
Бўлиб Мажнун тушуб дилга ўшал Лайлони бир кўрмок.

Билинг, э толиби хак, барча тоат афзалидур бул,  
Келиб дунёга хар ким орифу донони бир кўрмок.

Кел, эй сокий, бериб.тур дам-бадам шахди мухаббатдин,  
Нечун, мумкин эмас, боли Хумо, Анкони бир кўрмок.

Эзилиб хун бўлиб оқди, тараххум кил, адо бўлмай,  
Сенга бўлса хавас бу Махмури расвони бир кўрмок.

## **СОКИЙНОМАЛАР**

Кел, эй сокий, карам кил согари май,  
Халок бўлдим бу махфилда май ичмай.  
Ичиб ман хам казай тоги вужудим,  
Йўколсин нашъа бирлан бору будум.  
Олиб теша кўлимга маст кирсам,  
Ки тогни казмагин додини берсам.  
Мени хам шахид кил, э ёри кобил,  
Ки бир шиша халохилни юборгил.  
Ичиб килсам вужуд тогини бархам,  
Очиб жўйи мухаббатни огушсам.  
Манга жўйи мухаббат келса эрди,  
Ки андин боги дил сабз ўлса эрди.  
Очилса неча ранг гул боги дилдин,  
Окиб кўп чашма чикса тоги дилдин.  
Окилгон чашмадин хам эл бариси,  
Ичиб шод ўлса ёши хам кариси.  
Жахон богини бул сарсабз килса,  
Ранго-ранг неча ранг сабза кўкарса.  
Муни кўргон халойик шод бўлса,  
Кудуратдин хама озод бўлса.

Не бўлгай кўрсам эрди боги ишкин,  
Агарчи казмасам хам тоги ишкин.  
Ичиб жоми паё-пайни бўлуб маст,  
Десам зрди неча сўзларни пайваст.  
Очиб майхонаи ишкинг эшикин,  
Ки андин бир сурохи май юборгил.  
Бу Махмур кўп хуморий, эртадин-кеч,  
Менга бир бокмадинг бўлди на деб хеч.

\* \* \*

Кел, эй сокий, майи гулфом келтир,  
Бахор айёми рангин жом келтир.  
Ичиб бир неча сўзларни дейин маст.  
Суниб тур косаи зарринни пайваст.  
Ичиб май кирдилар сўз гулшанига,  
Тушуб бир неча ишкинг гулханига.  
Териб баъзи гули маънини хадсиз,  
Куюб кул бўлдилар баъзи жигаррез.  
Гули маъни териб бўлди Низомий,  
Бириси Хусрав ўлди, бири Жомий.  
Навоийдек чаманнинг булбулин кўр,  
Келиб бул турки маъни лаззатин сўр.  
Бири Мажнун масал сахронаварддур,  
Бири теша кўлинда кўхгарддур.  
Бири ахгар бўлиб куймок шиори,  
Бири кўз кони тўкмок корубори.  
Бирини килди кул бир дилбароси,  
Бирин кон йиглатиб бир ошноси.  
Бири лаъли майи бирлан этиб маст,  
Бирини шахди Ширин айлади паст.  
Бирин хокистар айлаб оташи ишк,  
Бирин гаркоби хун этмок иши ишк.  
Бериб бирига ишкинг доридан жой,  
Аиалхак айттуруб дор узра хой-хой.  
Бири чарх урди бозор ичра билмай,  
Бири бехуд ўтиб кетди дам урмай.  
Бирини сўзлатиб минбар бошинда,  
Бири майлик кадах гулхак кошинда.  
Бирига ранжи сўзу дарду мехнат,  
Бири шоду, бири тортарда кулфат.  
Солиб хар кайсини бир шеваига,  
Намудор айлаюб олам элига.  
Бирин Лайли кўлидин этти Мажнун,  
Бирин Ширинидин айлаб дигаргун.  
Бирин кўр, ичди Лайли илгиднн май,

Сунуб Ширин бирига ичди, хай-хай.  
Тотуб хар катрасин мен хам алардек,  
Кирай сўз бёшасига шери шердек.  
Вагарна кулдин айла бистаримни,  
Ўчурсин боди ишк хтшстаримни.  
Очиб ишкинг дару дарвозасини,  
Ичур хар лахза шахдинг тозасини.  
Дилимга сўзу, дарду шўр бергил,  
Ўлимга домани мансур бергил.  
Бугун ахли хираддин айлагил дур,  
Мухаббатнинг майидин айла пуршўр,  
Дейин бозори ишк ичра аналхак,  
Мени хам сўйсаларди кош нохак.  
Карам кил гарчи бир келган гадоман,  
Бу гурбат шомилла бир бенавоман.  
Халок этма неча андиша бирлан,  
Бериб Ширин майин ур теша бирлан.  
Бериб Лайли майин Мажнуншиор эт,  
Кўйиб сахрои гамда хор-зор эт.  
Бериб ул иккисига дилрабосин,  
Этиб ул икки мафтунни гадоси.  
Вагарна бу икки фарзона эрди,  
Качон бу иккиси девона эрди?  
Агар хар кимсаига дилбаридин,  
Тотурса шаккарин Ширин майидин,  
Качон бўлмас бало даштида Мажнун,  
Ки тоги гамни килмас остун-устун.  
Качон бўлмас киши Бахроми Гўри,  
Дилоромидин ул топса хузури.  
Качон Вомикча бўлмас хар дилафкор,  
Анинг Узроси бир бокса баякбор.  
Качон хар бенавога бокса ёри,  
Турурму этмайин юз жон нисори.  
Качон чекмас киши дилсўз охи,  
Анга бокса париваш гох-гохи.  
Качон бул Махмури дилхаста махзун,  
Ичиб май бўлмади саргашта мажнун.